

ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК ИШЛАРИ СТРАТЕГИЯСИ ВА ТАКТИКАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Исмоилов Т.Ж.

*А.Қодирий номидаги ЖДПУ Технологик таълим ва
масвирий санъат фанлари кафедраси доценти*

Аннотация: Мақолада талабалар техник ижодкорлигида тадқиқот объектлари мураккаблигига қўйиладиган талаблар ва уларнинг психологик ҳамда педагогик жиҳатлари баён қилинади.

Калит сўзлар: муҳаббат, тарбия, ўқувчи, тадқиқотчи, фаолият, психологик, педагогик, раҳбар, ижодкор, касбий, тадқиқотчи малака, маҳорат.

Бугунги ёш авлодни жаҳон стандартларига мос илмий тадқиқотчилик руҳида тарбиялашни касбий билимларига оид тадқиқот объектларига қўйиладиган талаблар билан уйғунликда камол топтириш, моддий ва илмий тушунчаларини бойитиш, танлаган касбига муҳаббат руҳида тарбиялаш кўп жиҳатдан ўқитувчининг ўқувчилар тадқиқотчилик фаолиятига психологик ва педагогик асосда раҳбарлик қилишга таъргаргарлигига боғлиқ. Ҳар қандай ижодкорликда, айниқса касбий йўналишдаги тадқиқотчилик ишларида унга раҳбарлик қилувчи ўқитувчининг билими, касбий малакаси ва ишини ташкиллаштириш маҳоратининг юқори бўлиши муҳим аҳамиятга эга, чунки унинг қозонган муваффақияти натижаси минглаб келажак авлод тақдири билан боғлиқ ватан тақдирини белгилайдиган бош омил сифатида намоён бўлади.

Айтилгандар ҳар бир бўлажак касб таълими ва технологик таълими ўқитувчисидан ўзини узлуксиз таълим тизимининг кўр-кўрона ижодкор мурвати эмас, балки халқ таълими олдида турган фарзандларимиз келажаги билан боғлиқ улуғвор ва долзарб вазифаларни чуқур англаб етган онгли, фидойи ва масъул аъзоси эканлигини чуқур ҳис этишни талаб қилади.

Бу бўлажак касб таълими ва технологик таълими ўқитувчиларининг касбий тадқиқотчилик ишлари билан боғлиқ техник ижодкорликка раҳбарлик қилишга тайёрлаш стратегияси ва уни психологик ҳамда педагогик асосда амалга оширишнинг зарурий тактикасини белгилаб олишни тақозо этади, унга тахминан:

1. Техник моделлаштириш ва конструкциялаш бўйича ҳар хил тўғарак ва машғулотлар;

2. Умумтехника ва махсус фанлар бўйича тадқиқот типига рефератлар ёзиш, мустақил ишлар, лаборатория ишлари, курс лойиҳалари, курс ишлари, битирув малакавий ишларини бажаришлар киради.

Юқорида келтирилган стратегия ва зарурий тактикалар билан боғлиқ талабалар тадқиқотчилик қобилиятларини ривожлантириш самарадорлиги кўп жиҳатдан тадқиқот объектлари (натурал қурилма, модел, макет ва ҳоказо)га психологик ва педагогик талаблар нуқтаи назардан илмий асосда ёндошувга боғлиқ.

Бу ёндошувга: илмийлик; дидактик; психофизиологик; ташкилий-педагогик; техник; технологик; дизайн; экологик; иқтисодий; ижтимоий талаблар киради.

Тадқиқот объекти техника ва ишлаб чиқариш технологияси элементларига қанча бой бўлса, унинг талабалар тадқиқот бўйича ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари ҳам шунчалик кенг қамровли бўлади. Аммо шуни ёддан чиқармаслик лозимки, қўрилаётган тадқиқот объекти (муаммоли масала) мураккаблиги ва сермехнатлиги бўйича талабаларнинг муайян тайёргарлик даражаси (назарий ва амалий билим, кўникма, малака, укувлар қандайлиги)га мос келиши керак, яъни қўйилган ижодкорлик масаласини ечиш учун талабанинг тайёргарлиги талаб даражасида бўлиши кераклигини инобатга олиш лозим. Акс ҳолда тадқиқотчилик фаолияти салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

Шу ўринда В.П.Беспальконинг (1.70-71 б.) билимлар (ахборотлар)ни ўзлаштириш даражасини келтиришга эҳтиёж сезилади, унга кўра:

I даража – воқеликнинг мазкур соҳасидаги объектлар, хоссалар ва жараёнларни улар ҳақида илгари олинган ахборотларни қайта идрок этиш ёки улар билан ишлашда билиб олиш (билиш-таниш);

II даража – маълум ҳаракатларни бажариш учун ўзлаштирилган йўналтирувчи асосларни мустақил равишда такрор ишлаб яқиш ва уларни қўллаш йўли билан репродуктив фаолият (билим-нусхалар);

III даража – маҳсулли фаолият, айрим кўп объектларда намуна бўйича ишлаш (билимлар – укув ва малакалар);

IV даража – фаолият учун янги йўналтирувчи асосларни мустақил конструкциялаш йўли билан ҳар қандай кўп объектларда бажариладиган фаолият (билимлар - трансформация). Музкур фаолиятлар натижасида янги ахборотларга эришилади.

Айтилганлар гарчи мактаб ўқувчиларининг политехник тайёргарлиги даражасини ифодаласа-да, умумий ҳолда ҳар қандай вазиятда ҳам ана шу даражаларни конкрет шароитдан келиб чиқиб, талабаларнинг техник ижодкорликка тайёргарлиги даражаларига татбиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Ижтимоий жамият тараққиётидан маълумки, ҳар қандай илмий ёки бошқа тадқиқотчилик ишлари ижодкор шахснинг зиммасига жиддий муаммоли масалаларни ечишни кўндаланг қилиб қўяди. Бу масалаларни ечиш эса мос ҳолда жиддий ижодкорлик меҳнати ва илмий тадқиқот ишларини талаб қилади. Бу талабларни қуйидаги учта турдаги муносабат орқали ифодалаш мумкин:

1. Тадқиқот ишлари кўлами замон талабидан ортда қолади;
2. Тадқиқот ишлари кўлами замон талаблари билан ҳамнафас (параллел) боради;

3. Тадқиқот ишлари кўлами замон талабидан илгарилаб (олдинда) кета ди.

Бундан кўринадики, энг мувофиқ боғлиқлик учинчи кўлам бўлиб, у на фақат ишлаб чиқаришнинг замонавий талабларини қондиради ва ҳатто янги тармоқ, йўналиш ва соҳаларнинг вужудга келишига ҳам туртки бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги муносабатларни бевосита талабалар техник ижодкорлигидаги тадқиқот объектлари мураккаблиги ва талабаларнинг техник ижодкорлик масалаларини ечишга тайёргарлиги даражалари орасидаги тафовутий боғлиқликка татбиқ этадиган бўлсак, улар ўртасида қуйидагидек боғлиқлик ҳосил бўлади:

1. Тадқиқот объекти мураккаблиги (ТОМ) талабанинг тайёргарлик даражасидан (ТТД) паст (ТОМ < ТТД);

2. Тадқиқот объекти мураккаблиги ўртача, яъни талабанинг тайёргарлик имконияти даражасида (ТОМ = ТТД);

3. Тадқиқот объекти мураккаблиги нисбатан мураккаброқ, яъни талабанинг тайёргарлик имконияти даражасидан сал юқори (ТОМ > ТТД);

4. Тадқиқот объекти мураккаблиги талабанинг тайёргарлик имконияти даражасидан анча юқори, яъни ўта мураккаб (ТОМ » ТТД).

Юқорида келтирилган тадқиқот объектлари мураккаблиги ва талабаларнинг тайёргарлик даражаси имкониятларининг вариатив таркиби схемаси, ҳар хил мураккабликдаги техник ижодкорлик объектлари учун шартли равишда бир хил тайёргарлик даражасига боғлаб (қиёслаб) ифодаланди. Аслида эса талабаларнинг тадқиқот объектида қўйилган ижодкорлик масалаларини ечиш қобилиятлари, яъни тайёргарлик даражалари ҳам ҳар хил бўлиши табиий. Шунга кўра талабалар тадқиқотчилик ишларида берилган ижодкорлик объекти мураккаблиги даражасига мувофиқ талабаларнинг тайёргарлик даражалари имкониятларини тўғри ҳисобга олиш ўзига хос муҳим ташкилий-психологик ва педагогик жараён ҳисобланади. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Сўз юритилган боғлиқлик биринчи схемасида келтирилганидек, ижодкорлик объекти оддий –талабанинг тайёргарлик даражаси эса анча юқори бўлганда (ТОМ < ТТД), бундай оддий ижодкорлик масалаларини бажаришда аъло ва юқори даражали тайёргарлик имкониятига эга талабалар қизиқишсиз

ишлайдилар. Улар учун бу фаолият баъзан эрмактек туюлади, натижада тадқиқот ишининг психологик педагогик, таълимий-тарбиявий ва энг муҳими яратувчан (креативлилик)лик аҳамияти йўқолади.

Ёки боғлиқлик схемасидаги тўртинчи ҳолатни олайлик, яъни тадқиқот объекти талаби талабанинг тайёргарлик даражасидан анча (ўта) юқори бўлганда (ТОМ » ТТД), бундай ўта мураккаб ижодкорлик масаласини ечишда тайёргарлик даражаси паст талаба катта муаммоларга дуч келади ва ишда бузилишлар рўй беради. Кутилган натижага эриша олмайди. Ва ишдан кўнгли совийди. Бу ҳолда ҳам худди биринчи схемадагидек вазият вужудга келади.

Бундай чигал вазиятлардаги талабалар тадқиқот объектларининг мураккаблигини талабаларнинг тайёргарлик даражасига қараб мувофиқ схемадаги вариантларни танлаш орқали психологик ва педагогик асосларга таяниб баҳолашни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда танланадиган тадқиқот объектлари стратегияси ва тактикаси мавжуд шароит, таълим дастури ва касбий йўналиши хусусиятлари ҳамда талабаларнинг техник ижодкорлик қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда, керакли натижаларга эришишга ёрдам беришини таъминловчи психологик ва педагогик асосга эга бўлиши муҳим ҳисобланади. Шундагина илмий тадқиқотчилик ишларида техникавий ижодкорлик билан боғлиқ талабаларнинг кўникма, уқув ва қобилиятларини ривожлантиришнинг дидактик талабларини муваффақиятли бажариш жараёни ва унинг самарадорлигини ошириш имконияти яратилади. Бундай фаолиятда талабаларнинг тадқиқотчилик ишлари натижалари замонавий қурилмалар ва машиналар, техника ҳамда технологияларни чуқур ўрганишга, янгиликлар яратишга кенг имкониятлар яратилиб, бўлажак ўқитувчиларни касбий психологик ва педагогик асосда ўқувчиларни техник ижодкорликка тайёрлашнинг аҳамияти ва имкониятлари ҳам шунчалик орта боради.

Фойдаланилган манбалар:

1. Бепалько В.П. Основы теории педагогических систем. Воронеж. 1977, стр.70-71.
2. Шварцман А.Е. Основы технического творчества. Москва, 1989.
3. Тагаев Х. Кружковая работа – начальный этап творческой деятельности учащихся. Среднее специальное образования. Москва, № 2, 1987.
4. Тагаев Х. Толипов У.К. Педагогические основы совершенствования творческой личности. Методическое пособие. Институт средств обучения Российская академия образования – 1993.
5. Тагаев Х., Юсупов К.Я. Алибоев Т.Ч. Фан тўғаракларини ташкил қилиш. Научный журнал. Интернука. Москва – 2019 с.64-65.
6. Тагаев Х., Исмоилов Т.Ж. Техник фикрлашни ривожлантиришда мантикий масала ечимини топишнинг психологик тренинг ва интерфаол усуллари. Научное знание современности. Международный журнал. Выпуск № 5, Казань – 2020 с.26-29.